



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 3-iyul №27 (4322)



Қарши шаҳридаги «Эл-юрт таянчи» монументи.

ЧАМАН-ЧАМАН ГУЛ ДИЁР

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, кўчаю хибонларда турфа гулларнинг чаман-чаман очилиб турганига гувоҳ бўласиз. Атроф-муҳитни кўкаламзорлаштириш, маҳалла-кўйда гўзаллик яратиш учун эрта баҳордан оқимдири атиргул кўчатини, яна кимдири бўтақўз, райхон, жамбил, бинафша гулларини ҳовлию кўчасига ўтказди.

Яна кимдири лола, чиннигул, насларин гулларига ишқибоз. Ана шундай пайтда бозорларимизда савдо қилаётган гулчилар жонингизга оро қиради. Улардан қайси гулни қачон

“Мустақиллик” тантаналари арафасида майдонларга, хибонларга ўзига хос дизайнда ўтказилган гул кўчатлари байрамларга ўзгача жозиба бағишлайди.

хон, деб номланишининг ўзиёқ боғлар ҳақида ўзгача тасаввур уйғотади. Уша пайтлардаёқ боғ яратиш санъати ўзимизда такомиллашганини ҳис қиласиз. Албатта, бу боғларга турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилган, фавворалар шарқираб турган. Аммо уларнинг чиройини янада очадиган гулларни экиш ҳам назардан четда қолмаган. Улуғ тарихчи Шарафиддин Али Яздий Боғи дилқушонинг яратилиши ҳақида шундай ёзади: “799 ҳижрийда Кониғил мавзенига Боғи эрамдан кўра дил очадиганроқ, жаннат бўстонидан кўра шодлангандиганроқ бир қаср қуришга буйруқ берилди. Боғ ичига тўртбурчак, олти бурчак, учбурчакли қилиб гулзорлар тайёрлатди.”

Бугун шаҳарларимиз марказларида ўзига хос учбурчакли, тўртбурчакли ва олти бурчакли нақшинкор қилиб экилган гуллар Амир Темури бобомизнинг гулзорларини эслатиб тургандек гўё. Бундай чаманзорларни яратишда эса юртимизда фаолият олиб бораётган заҳматкаш гулчиларнинг ҳиссаси катта.

Давоми иккинчи саҳифада.

Эл обод — дил обод

экиш керак, қайси гул янги кашф қилинган нав — барча-барчасини сўраб билиб олишингиз мумкин. Туғилган кундан тортиб катта-катта тадбирларда бир-бирини такрорламайдиган гулдасталар совға қилиш ҳам эзгу удум. Айниқса, “Наврўз”,

Аслида халқимиз гўзаллик шайдоси эмасми, бир парча ерига ҳам гулу райхонларни экиб яшнатиб қўяди. Соҳибқирон Амир Темури бобомиз даврида ҳам боғ-роғлар яратишга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темури боғларининг Боғи шамол, Боғи дилқушо, Боғи беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи нақши жа-

МУНОСИБ БЎЛ

Боболарга муносиб бўл, боболарга, Олам аҳлини уйғотган даҳоларга. Оққан дарё оқар, қўшил дарёларга, Боболарга муносиб бўл, боболарга.

Ғафлат билан лоқайдликни дўст тутмагин, Бегонанинг ҳимматига кўз тутмагин. Сен кимларнинг авлодисан — унутмагин, Боболарга муносиб бўл, боболарга.

Боболаринг от ўйнатиб дунё кезган, Муҳтожларга мурувватли қўлин чўзган. Улутбеклар от устида юлдуз узган, Боболарга муносиб бўл, боболарга.

Ифтихор

Гул бўлса гар, ўз даласин гули бўлган, Қул бўлса гар, ўз кўнглининг қули бўлган. Бу кўнглида Ватани ва эли бўлган — Боболарга муносиб бўл, боболарга.

Навойнинг навосига тўлган дунё, Сино малҳамидан одам бўлган дунё. Амир Темури кулса, бахти кулган дунё, Боболарга муносиб бўл, боболарга.

Қорақўзим, гард қўнамсини кўз-қошинга, Юксал, дўстим, нияти толе қўшинга. Ишон фақат ўз қалбинга, Юртбошинга! Боболарга муносиб бўл, боболарга!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

ОЗОДЛИК ВА ОБОДЛИК

Бундан йигирма тўрт йил бурун — Ўзбекистон эндигина ўз мустақиллигини эълон қилган паллаларда хорижий газеталардан бирининг муҳбири иддао билан “Иттифоқ номли (собик шўро тузуми назарда тутилмоқда. Тахр.) поезддан яна бир вагон узилиб, ажралиб, яққаланиб қолди”, деган писанда гапларни ёзганди.

Бу иддао косасининг тагида “Кўра-миз, қандай кун кўраркан, қаёққача бораркан”, дегандай нописандлик ва аламзадалиқнинг нимкосаси ҳам яширинган эдики, муҳбир ўзи мансуб бўлган мустақил тузум ва қонидаги зўравонлик, мустақиллик даъвосини гайирлик билан ошкор қилаётганди.

Ушанда жиғибийрон муҳбир ҳар қанча чиранмасин, унинг “поезди” кетиб бўлганди. Унинг боболарининг тушига ҳам кирмаган кўркем, тезюрак поездлар Ўзбекистоннинг жаннатмакон манзили маъволари аро ярқираб, элнинг эзгу орзу-мақсадлари нечоғли рўёбга чиқаётганини намойиш этганда, ёлғон эмас, ён-теварагимиздаги кўп давлат ва элатларнинг бизга, ишларимизга, юртимизда нашоу намо топаётган ҳаётимизга ҳаваси келди. Бу бор гап. Рост гап.

“Озодлик” сўзи ҳам ободлик билан қариндош-қофиядош келиши бежиз эмас. Заҳмату синовларга, матонат ва шижоатларга тўлуғ йиллар давомида биз фақат озод ва эркин юрtda, тинч ва осойишта Ватандагина файзу фароғат, барака ва ободлик барқарор бўли-

шига ўз ҳаётимиз мисолида амин бўлдик. Ўз кўзимиз билан кўрдик, юрак-юрагимиздан ўтказдик.

Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, Президентимиз Ислам Каримов мақсад-муддolariмизни ўзида мужассам этган, эл кўнглидаги гапларни яна бир бор таъкидлаб айтди: “Бунёдкорлик ишларига қалб қўрини бағишламоқ керак. Ободлик кўнглидан бошланади, деган сўзлар халқимиз қалбидан чуқур жой олди, эзгу даъватга айланди”.

Одамлар яшаётган уйлар атрофидаги муҳит ва шароитга қадар Президент назари ва эътиборида экан, демак жами ватандошлар, шу юрт, шу тупроққа дахлдорман деган каттаю кичик фуқаролар ҳам шунга яраша ва муносиб қалб қўри, юрак ўти билан, бир сўз билан айтганда, мен ҳам шу халқнинг, шу Ватаннинг фарзандиман, деган жавобгарлик ва дахлдорлик ҳисси билан яшамоғи керак.

Ердаги бугдой донаси ҳам, ундан униб чиққан зумрад майса, сўнгра олтиндай ярқираб товланиб турган бугдой бо-

шоғи ҳам нафас оларкан. Заҳматкаш чу-молилардан тортиб, гиёҳ-кўчатларгача — борлиқ табиат шу нафас билан тирик.

Тупроқ нафас олади, дашту далалар шу нафас билан уйғок, шу нафас билан кўркли ва файзиёб.

Биз бугун тиклаган ва тиклаётган ҳар бино ва иморатнинг замирида бир эзгу

Ҳаёт нафаси

ғоя бор, биз солган ҳар йўл, ҳар кўприкнинг асосида қанча ўй-фикр, қанчалар заҳмат билан тафаккур мужассам.

Биз газетамизнинг янги рукнини “Ҳаёт нафаси” деб атадик. Биноларимиз ҳам, иморат-иншоотларимиз ҳам нафас олади. Олтин уфқларга қадар ястаниб кетган бугдойзорларнинг шовуллаши ҳам улар олаётган нафасга ўхшаб кетади. Хирмонларга шовуллаб тўкилаётган бугдойларимиздан турмушимизнинг, ризку насибамизнинг нафаслари уфурлади. Субҳидам еллари — тинч, сокин тонглариимизнинг бизга еткизаётган ҳаётбахш нафасларию хуш муждалари-га ўхшайди.

Ҳайиқмай тўфонлардан,
Мардлик фақат сенга тан —
Ота юрт, она Ватан,
Ким эдигу ким бўлди!

Таҳририят.

МИРТЕМИР:

ЎЗБЕКИСТОН ТОНГЛАРИНИ

БЕДОР КУТГАН КЎЗЛАРИМ


Ёш қаламкашларга атаганим

Киприкларим кўнғирмикан ё қора?
Киприкларим юзтамикан ёки минг?
Киприкларим мунча азиз ва сара,
Кўзгинамининг киприклари...

Қуюнларда қолганимда, чангга ўралганимда,
Оҳангарон тўзонидан занжи қоралганимда,
Ёки яхши тимсол излаб, чангдай таралганимда,
Ёки бир шеър армонида юз бир кўралганимда,
Ўзбекистон тонглари бедор кутган кўзларим,
Тенгсиз тонглар фалсафасини ташна ютган кўзларим.
Кўзларимга чегарада шай аскардай қўриқчи,
Кўзларимга олис Бобур ғуссасидай йўриқчи,
Эй, азиз киприкларим.

Сергакликда тирикларнинг сиз-ку энг тириклари...
Кипригимдай азизларим, нечоғлиқ ҳам суюксиз,
Армонимдай буюксиз!

➔ 3



ТАМАДДУН ТИЛСИМЛАРИ

Нукусга ҳар сафар келганимда шаҳар гўзаллашиб, чиройинга чирой қўшилаётганига гувоҳ бўламан. Айниқса, Қорақалпоғистон кўчасининг икки томонидаги кўп қаватли уйларни кўриб, ҳайратда қолдим. Кенг ва равон йўллар, замонавий, файзли бинолар.

Дунёга машҳур Санъат музейининг қўшимча янги бинолари деярли битай, деб қолган. Гўёки шаҳарнинг ўзи бир музей, санъат қошоноси эса ундаги ноёб экспонат дейсиз. Аслида ҳам қорақалпоқ замини чексиз мозийгоҳ. Мустақиллик йилларида Нукуснинг янги қиёфаси унга мангулик бахш этаётган бўлса, бу худудларда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар юртимиз тарихининг янги-янги зарваракларини очмоқда.

Археологлар иши игна билан қудуқ қазишдай гап. Одатда тарихий манзилларда тадқиқот иши бошланган йилни биламиз-у, аммо яқунланган вақти ҳақида маълумотларга дуч келмаймиз. Чунки тупроқ остида яширинган тарихи охирига қадар аниқлаш мушкул. Қорақалпоғистон худудида уч юздан

зиёд қадимий тепа, қалъа, кўрғонлар мавжуд. Биргина Тўртқўл туманида ўттиздан, Бериуний туманида эса, қирқдан зиёд археологик объектлар бўлиб, уларда қанчадан-қанча тарих сирлари яширин. Бу хазина-лар ҳақида маълумот олиш иштиёқи Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимига бошлади.

Қорақалпоғистонда қадимшунослик ишлари ўтган аср 20-йиллари охирида бошланган. Ўттизинчи йилларда Яхё Фуломов раҳбарлигида Гулдурсин, Алижонбобо, Хива қалъалари ўрганилган. Олимнинг “Қадимги даврлардан ҳозирга қадар бўлган Хоразмнинг суғорилиш тарихи” номли номзодлик иши шу изланишлар маҳсули. Бу ноёб

тадқиқот 1957 йили чоп этилган. 1937 йилда юртимизга биринчи бор келган академик Сергей Толстовнинг “Қадимги Хоразм” асари ҳам машҳур.

Ўзбекистон Қаҳрамони Қайрат Хўжаниёзов ва тарих фанлари доктори Вадим Николаевич Ягодинлар суҳбати устидан чиқдик. Улар соҳа ривожига катта ҳисса қўшган машҳур олимлар.

— 1958-1959 йилларда ЎзФАНинг Қорақалпоғистон бўлими очилди, — дейди Қайрат ака. — Ушандан буён, мана, Вадим Николаевич шу ерда ишляпти.

Устоз билан 43 йилдан буён яқин ҳамкоримиз. Мен 1972 йилда институтни тугатиб, ишга келган эдим. Археология билан шуғулланувчи бўлимга фаолият натижасида Оролбўйи худудларидан топишган тош асри, антик давр ва ўрта асрларга оид топишмалар сони 50 мингдан ошди. Эрамиздан олдинги II асрдан тортиб XIV асргача бўлган даврга тегишли мингдан ортиқ қадимий тангалар ҳам сақланмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

Биз киммиз?

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН МОҲИТЛАРИНИ БЕДОР ҚУМТАН ҚЎЗЛАРИНИ

ОНА ЮРТ

Тупроғинг зар,
Тошинг гавҳар,
деган ҳам бор.
Ягонасан,
Жононасан,
деган ҳам бор.
Меҳриғиё,
Қандай зебо,
деган ҳам кўп.
Бебаҳосан,
Тўтиёсан,
деган ҳам кўп.
Биров ундоқ,
Биров бундоқ тўқир мақтов.
Ундоғаммас,
Бундоғаммас, азиз ва дов,
Кўлу тоғлик,
Боғу роғлик ўзбек элим,
Момо юрти,
Бобо юрти, чамбил белим.
Зару гавҳар — ялтироқ тош,
недир олмос,
Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош,
мангу мерос.
Авлодларга мерос тупроқ,
олтин бешик.
Келса қардош, келса қўноқ
лангирт эшик.
Тирикликда диёримсан,
бол ва оқ сўт,
Ўлсам агар мазоримсан,
эй, Она юрт!

МЕН СЕНИ...

Мен сени инжитмайман
Ва лекин тинчитмайман...
Чарх уриб бўз тўрайдай
Бўзлашим бор бошингда.
Эй, сочларинг тўлқини тун сингари сим-сиёх,
Хол каби пайдо бўлгун ёноғинг ё қошингда,
Эй, изларинг губори кўзларимга тўтиё...
Саратонда сел бўлиб,
Лолазор яраттайман.
Қаҳратонда ел бўлиб,
Гул атрин тараттайман.
Йўл юриб, чўллаб қолсанг,
Шилдирагун булқдай.
Ёки даштга йўл солсанг,
Ястангайман ўғлоқдай.
Истаб қолсанг соябон,
Мен дарров чинор бўлгун,
Чўмар бўлсанг ногаҳон,
Мен дарров анҳор бўлгун.
Кезар бўлсанг боғингда,
Пичирлагун мисли барг.
Куйиб сенинг доғингда,
Бўлмасайдим жувоимарг.

Бу дунёда ҳеч ким йўқ сенга мендай маҳлиё,
Умидим бор — қарагунг ахирини қиё-қиё...

Эпкин бўлиб саҳарда,
Гулзорингда кезурман.
Кўшиқларим авж парда,
Гунчаларинг узурман.

Насим каби сездирмай,
Кипригинга тўқингун.
Озор бермай, бездирмай,
Суратинга чўқингун...

Қуш бўлиб қочар бўлсанг,
Тарлон бўлиб қувгайман,
Тоғларда шаршарадек губорингни ювгайман.
Ҳар мушкул, ҳар хатарда ҳар балодан сақлагун,
Қайрилсанг-қайрилмасанг ўлгунча ардоқлагун.

Тонг пайти юлдуз мисол оқ сийнаңда ёнгайман,
Ёмғирда камалакдай юз рангда товлангайман,
Кўркинга тикилганман то кўзимда бор зиё,
Ўзинг билмайсан, сенда шунчалар меҳри гиё!

Мен сени тинчитмайман
Ва лекин инжитмайман...

ОНА ТИЛИМ

Она тилим — онажоним тили бу,
Бешикданок синган жону қулоққа.
Эду юртим, хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.
Боболардан бизга мерос эзгу тил,
Авлодларга хазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил.
Бу дунёга бағишламиш не даҳо...

ҚҮНДИРСАН

Оқшом кипригинга уйқу қўндирсан,
Саҳар кўзларинга қулғу қўндирсан,
Бошинга шафакдан ўрасам лачак,
Жигасига нурдан инжу қўндирсан.

Кўркингни ўзинг ҳам кўрардинг балки,
Ўлмас ўланлардан кўзгу қўндирсан.
Кошки эритолсан кўнглингни тошдек,
Кейин ишқ деган бир туйғу қўндирсан.

ЎЛАН АВЖЛАРИДА

Ўлан авжларида гул очади дашт,
Ўлан авжларида замон уйғонур.
Ўлан авжларида дунё-дунё гашт,
Ўлан авжларида олам тўлғонур.

Ўлан авжларида туғилур суйғу,
Ўлан авжларида туғилур жужук.
Ўлансиз на ранг бор, на ёруғ туйғу,
Ҳаёт лабларига тошади учук...

ҳам йиғлаб юбориши ва кўзида ўша марваридга
ўхшаган ёш пайдо бўлишидан қаттиқ кўрқди.
Яратганга ич-ичидан дуолар қилди.

Эртасига нонушта қилиб бўлгач, ўртанча
акасиникига чиқди. Янгасини гапга солиб, ке-
чаги «жумбоқ»қа жавоб излади. Маълум бўлди-
ки, онаси тўрт-беш кун қаттиқ бетоб бўлиб,
хатто ейишдан қолдиби. Эшикка термулиб, ким
кирса, унинг исми билан янглиштириб чақи-
рармиш. Шундай бўлса-да, кенжасига хабар
бериларига унамабди. Йигит мутаассир
бўлди. Шаҳд ўрнидан турди. Ҳозир бориб она-
сини қучоқлаб олгиси, қадок қўлларини юзга
суртиб йиғлагиси келди. Аммо негадир уйга
келиши билан бундай қила олмади. Нимага
шундай бўлди, уни нима тўхтатиб қолди, аниқ-
тиниқ билолмади ҳам. Балки онасини аяган-
дир. Унинг «болам узокларда қийналиб юрган
экан», деб хавотир олишидан чўчигандир. Ҳар

ҳолда яна ўзини бепарво тутди.
Отаси эрталабдан қаергадир кетганди. Ке-
лиши билан чўнтагидан пул чиқариб, хона
ўртасига қурилган сандал устига ташлади.
Сўнг онасига юзланди:

— Халиги пулларни ҳам олиб чик,

ҳаммасини.

— Ҳўп...

Онаси секин туриб, жамалагига
тақилган қалит билан сандик қулфини очди.
Унинг ичидан кичикроқ рангпар бўҳчани олиб
чиқди. Матолар таҳини бузмасдан бир-бир
олиб қўйди. Энг тағидаги кийимлик ичидан
тўрт тахлам майда пулни олиб отасига узат-
гач, матоларни силаб-сийпалаб яна аввалги-
дай тахлай бошлади...

Пул санаб, белини бойлаётган ота олдида
ўғил ўзини бемаврид қарзини қистаб келган
одамдай сездди. Отасига ожизгина қаршилиқ
қилган бўлди:

— Пулни кўп, буларни ўзингиз ишлатинг.
Мана, сумкамда бир пачка мингталиқ ту-
рибди...

— Илоийм, давлатнинг зиёда бўсин, улим!
Бизникиям бир илчинчак-да. Етмаганда ямоқ
бўлар...

Отанинг оғзи гапдан, қўли пул санашдан
тўхтаб қолди:

— Булар бешта эди шекилли, ёки адашяп-
манми? — У ўғирлиб онасига қаради. .

— Билмасам... — Онаси ажабланмади, не-

Тирик сатрлар

БЕТОБЛИГИМДА

Мажнунтод тағига ўтқазинг мени,
Қоврилмай гашлик алангасида,
Мажнунтод тағига ўтқазинг мени,
Нафасимни ростлай қўлангасида.

Мажнунтод тағига ўтқазинг мени,
Қушлар овозига қулоқ солайин.
Мажнунтод тағига ўтқазинг мени,
Хаёл оғушида ором олайин.

Мажнунтод тағига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чекала бўлдим.
Мажнунтод тағига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.

ҲАСЛИ БАҲОР

Ҳасли баҳор, қир долазор,
Тўғрай учар сор устина.
Долазорда куйла, дилдор,
Рубоб чалай тор устина.

Не бор висолингдан ширин.
Ёноқда холингдан ширин,
Бўстонлик болидан ширин,
Олма ҳили нор устина.

Бир — сен, бир — мен, кўл қирғоғи,
Яшил яйлов — оқшом чоғи,
Оқшом чоғи — висол боғи,
Ой ҳам қўнар дор устина.

Беишқлар дарди дард эмас,
Ишқ фақат охи сард эмас,
Ёрни ранжитган мард эмас,
Қор ётгуси қор устина.

Элдан айрилган бегона...
Ёрдан айрилган девона,
Ёр, ўлгунча мен парвона,
Ёр севмайман ёр устина.

АРМОНЛИ КҮЙЧИМАН

Қоронғулик тушар,
Бағрим увишар,
Танҳоликда қайта туғиламан мен.
Ёрилиб кетгудай
Тамом битгудай,
Токи тонг отгунча бўғиламан мен.

Кўзимга ёруғлик,
Сўзимга ёруғлик,
Соғ жонга ёруғлик сўрайман тонгдан.
Армонли йўлчиман,
Армонли куйчиман,
Жаҳонга ёруғлик сўрайман тонгдан.



Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ

МАРВАРИД ДОҲАСИ

ҳолда яна ўзини бепарво тутди.
Отаси эрталабдан қаергадир кетганди. Ке-
лиши билан чўнтагидан пул чиқариб, хона
ўртасига қурилган сандал устига ташлади.
Сўнг онасига юзланди:

— Халиги пулларни ҳам олиб чик,

ҳаммасини.

— Ҳўп...

Онаси секин туриб, жамалагига
тақилган қалит билан сандик қулфини очди.
Унинг ичидан кичикроқ рангпар бўҳчани олиб
чиқди. Матолар таҳини бузмасдан бир-бир
олиб қўйди. Энг тағидаги кийимлик ичидан
тўрт тахлам майда пулни олиб отасига узат-
гач, матоларни силаб-сийпалаб яна аввалги-
дай тахлай бошлади...

Пул санаб, белини бойлаётган ота олдида
ўғил ўзини бемаврид қарзини қистаб келган
одамдай сездди. Отасига ожизгина қаршилиқ
қилган бўлди:

— Пулни кўп, буларни ўзингиз ишлатинг.
Мана, сумкамда бир пачка мингталиқ ту-
рибди...

— Илоийм, давлатнинг зиёда бўсин, улим!
Бизникиям бир илчинчак-да. Етмаганда ямоқ
бўлар...

Отанинг оғзи гапдан, қўли пул санашдан
тўхтаб қолди:

— Булар бешта эди шекилли, ёки адашяп-
манми? — У ўғирлиб онасига қаради. .

— Билмасам... — Онаси ажабланмади, не-

Сирождидин РАУФ

ХАЙРЛИ МУҲДАЛАР



ТИНЧЛИК

Нафис гулдилр тинчлик дегани,
Ўз ҳолича яшнамас демек.
Оталарнинг гапи нурматни:
«Тинчлик учун курашмоқ керак!»

Асли удир олам жавҳари,
Офтоб қадар ёп-ёруғ тилак.
Лекин, қувинг зулматни нари,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Жангу жадал ичра бу замин
Асрларки айланар ҳалак,
Хавотирда ололмайдилар тин,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Не тонг, ақл етди қиёмга,
Аммо нафс ҳам отди ҳакалак.
Инсоф берсин бани Одамга,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Ахир, эллар бир тан бўлмади,
Манфаатлар эмас муштарак.
Ёвуз иблис ҳали ўлмади,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Мавжуд экан дунёда токи,
Темир қалб ва темир замбарак,
Топталмасин аждодлар хоки,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Униб-ўссин меҳрга қониб,
Ота-она бағрида гўлак.
Келажак деб курашинг ёниб,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

Пок ниятлар бўлғай ижобат,
Эзгулик деб урмоқда юрак.
Тинчлик эрур бебаҳо неъмат,
Тинчлик учун курашмоқ керак!

ИШҚ

Муҳаббатнинг қийноғи мангу,
Ишқ тигидан ярадир кўксим.
Пешонамга ёзилгани шу,
Мен ҳеч қачон юрмасман ўқиб.

Ишқ тигидан ярадир кўксим,
Оғриқлар умримнинг мазмунин.
Орзиқадил бу юрак сим-сим,
Оловлар умид учқунин.

Пешонамга ёзилгани шу,
Ёниб адо бўлмасман ҳайҳот.
Ахир, уни иншо этган-ку,
Ҳар нарсадан бохабар Хаттот.

Мен ҳеч қачон юрмасман ўқиб,
Шукроналик — мен севган усул.
Соғинчларим арчадек ўсиб,
Яшилланиб бораман буткул.

— Сенга бошпўрт олмасак ҳам бўлади, —
дейди.

— Нега керакмас экан? — тутқади
она. — Ахир мен Хўшмурод ё Элмурод-
никига бормайманми, Ҳанифани кўргим
кемайдимми?

У паспортсиз қолса кўролмади қолиши-
дан ташвишланган одамлар шу қишлоқнинг
ўзигада укалари ва қизи бўлгани учун ҳам
болалари ҳар сафар бу хангомани эшитган-
да мириқиб қулишарди.

Бугун ана шу она кенжа ўғли ва чолини
хайратлантирган, ҳозир ота ҳам ўғил ҳам бу
ишнинг мутлақо ўғрилиқ эмаслиги ҳақида
ўйлаб, жимиб қолганди... Йигитнинг кўзи
ёшланди. Ташқарилади. Жадал юриб оғилхо-
на томонга ўтди-ю, елкалари силкинди...

Ич-ичидан ҳайқирдики, ўқирдики бости-
риб келарди. Тушунгандики, яқиндагина
оламдан ўтган дўстининг онаси ўзининг она-
сидан бир ярим муҳал кичик эди ва бу фано-
дан бакога мавридсиз кўчиш касалдан туза-
либ-тузалмаган онасига қаттиқ таъсир этган.

Иримиға, деб одамларга улашилган, юзига
«икки юз сўм» деб ёзилган пулдан бири
қўлига теккандан рангпар бўҳчага тугилган пул-
лар кўз олдиға келган... Бу фикрдан неча кун
вахимада юрган, айтмай деса, чолини аяган.
Олмай деса, тўсатдан... Йигитнинг ёдига кеча
онасининг рангпар матоларни бир-бир си-
лаётгани, «Омонгул холангнинг ёши нечага
чиққан экан?», деб сўрагани, отасига: «Энди-
ги пенсиямни ўзимга берасиз», дегани туш-
ди. Ҳозирданок юрак-бағри хувилаб қола-
ётгандай чўчиб кетди. Ёмон туш кўриб босин-
қирётгандай мавҳум ва айни пайтда ойдин
бир ҳолдан энтикиб, чуқур хўрсинди-ю, яна
ўзини қўйиб юборди...

ҲАВВОРА

Отиласан тинмай кўк сари,
Шаҳдинга қойилман, ҳаввора.
Аламки, ҳар лаҳза юксалиб,
Тўқиласан яна минг пора.

Шаффоф гулдек очиласан сен,
Илдиз отиб бўлурми тошда? —
Чор тарафга сочиласан сен,
Томчи-томчи марварид ёшдай...

Гоҳ аламдан жўшасан қайнаб,
Тиним билмас беором юрак.
Шаршарадек сочларинг ўйнаб,
Таскин берар рангин камалак.

Қулгуларинг йиғинга пайваст,
Қайғунг ҳам қувончга ўхшайди.
Нотанти қисматга қасдма-қасд
Борлигингда умид яшайди.

Рухимни ҳаминша қўлладинг,
Сен — кўкни кўзлаган оввора.
Қулсанг, осмон деб қуладинг,
Мен сенга ошиқман, ҳаввора!

ОҒОҲЛИК

Яна ортга чекинди ёлғон,
Яна ғолиб келди ҳақиқат.
Лекин не-не дил бўлиб полон,
Шу дамини деб қон ютди беҳад.

Бу ғолиблик напшу намоси
Қалб захмига бир маҳкам каби.
Йўқдир унинг кибуру ҳавоси,
Шукроналик эрур насаби.

Баҳс ва кураш тинмағай асло,
Сергаклик шарт ҳар лаҳза, ҳар он.
Оғоҳлик бой берилган асно
Яна қайтиб келади ёлғон!

ДАРАХТ

Бу ёруғ дунёда мен-да бир дарахт,
Пойида турфа йўл, излар туташган.
Кимдир шохларини қайириб хурсанд,
Кимдир сув ҳовучлаб мен томон шошган!

Қайси кун бахт қушин рақси самоси,
Қалбимни сарафроз айледи беҳад —
Ўшал он ўчириб қўнғлим сафосин,
Беаёв чарх урди тепамда калхат.

Саболар нафасин бўронлар тўсди,
Тинимсиз қувғандек фаслин фасл.
Қўклар оғушида мен секин ўсдим,
Қаҳратон қаҳридан синдим муттасил.

Синов водийсида аҳдлар ўзгарган,
Хиёнат етаклар теваларини.
Илтижо қиламан, ёвуз кўзлардан
Асра деб, Худойим, меваларимни.

Бугун — эрта учун берилган бадал,
Ҳисоб-китоблариди қазон қадар.
Хазондек соврилиб кетажак амал,
Кибрининг либоси—ҳашам, сийму зар...

Хайрли муҳдалар заҳматин тотишим,
Шукр, вужудимда титроқ ва ларза:
Илдизу баргларим билан бетиним,
Шовуллаб айтаман шукр ҳар лаҳза!

С.РАУПОВ 1967 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида таҳсил олган. «Йиғлаётган ой», «Кўк гўмбаз» ва «Сиз менга керакисиз» сингари шеърий китоблари чоп этилган.

Қайтар бўлди. Олиб кетишига тайёрлаб
қўйилган нарсаларни бир одам кўтара олмас-
ди. Ҳар доимгидай онаси унга ойна тутди:

— Доим юзинг ёруғ бўлсин. Исириққа ҳам
тутиниб ол, болам!

Кийимларига унаб қолишини айтиб, эъти-
роз билдирадиган ўғил бу сафар итоаткор
бўлди. Отасининг кўзини пана қилиб, онаси
уни имлади. Холироқ жойга ўтгач, бошини
силаб, пешонасидан ўпаркан:

— Мен ҳали ўлмайман, болам, — деди ово-
зи титраб. — Сен ҳеч ўйлама. Онам бор эди,
холи нима бўлди, деб ортинга қарама. Худо-
га шукри, ёнимда бошқа болаларим ҳам бор.
Нима айб қилдингки, кечадан бери бошинг-
ни эгасан. Билсанг, бу ишинг билан бағрим-
ни эзаяпсан. Бошингни тик туттиб юргин,
хўпми? Хотининг, унинг билан шодо хуррам
яшайверсанг, мен ҳам хурсанд бўламан...

У хавотирланди. Хайриятки, онаси йиғла-
мади. У чўчиётган «марварид» ҳам кўриниш
бермади. Демак, энди унинг онаси уч кундан
кўп, кўўўп яшайди. Ҳа, шундай бўлади!...

Шаҳарга қатнайидиган тоғасининг машинасига
ўтирганида кайфияти анча тетик, хатто мин-
гирлаб, қайсидир қўшиқни хиргойи қилар эди:
— Қўрқмай ҳайдайверинг, ака... — деб
юборди тоғасига беихтиёр.

Тоға ажабланди. Жиянига син солиб қара-
ди-ю, индамай қўя қолди...

А.АБДУЛЛАЕВ 1984 йилда туғилган. ЎзМУнинг ўзбек филологияси факулте-
тини тамомлаган. Ҳикоялари республи-
ка нашрларида мунтазам чоп этиб ке-
линмоқда.

Азамат туғилиб ўсган заминда — Шерободда, Сурхон воҳасида нима кўп, дўнгликлар, тепаликлар кўп. Булар шунчаки табиат ҳосил қилган жойлар эмас, олис аждодлар томонидан бунёд этилган маконларнинг харобалари, қолдиқлари. Термизда Марказий Осиёда ягона бўлган Археология музейининг гўзал биноси бежиз қурилгани йўқ.



У ердаги экспонатлар бир-бириндан нафис, бир-бириндан жозибали. Азамат уларнинг айримларини мактабда ўқиб юрган кезлари кўрган. Топилмалар орасида ниҳоятда нафис, кўркем ҳайкалчалар Азаматни мафтун этган. Бу буюмлар Бақтрия, Кушон давлатлари даври маданиятига тегишли эди.

Азамат Ҳотамов Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтини физика-математика факультетини битирди. Бир муддат кишлоқда ўқитувчи бўлиб ишлади. Аммо фикру ёди ўша ҳайкалларда эди. Шу боис 1982 Санкт-Петербургдаги Репин номидаги меъморлик, рассомлик ва ҳайкалтарошлик институтининг ҳайкалтарошлик факультетини битирди, Тошкентга қайтди. Эрмитажда Сурхондарёдан келтирилган Холчаён, Будрач, Термиз атрофидаги Фаёзтепа, Қоратепадан топилган қадимий ҳайкаллар Азаматни сеҳрлаб қўйди. Ўзбекистонга қайтган, узилиб қолган ана шу даврларга оид ҳайкалтарошлик аъёнчаларини ўз ижодида давом эттиришга аҳд қилди. Бунинг учун аввал юртимизни яёв кезиб, кўплаб график асарлар яратди. Улар бевоқифа ҳаётдан, реалликдан олинган эди.

Ёш ҳайкалтарош сифатида ўз ижодий кўргазмасини биринчи марта Пошхурд кишлоғида ташкил қилди. Кейин Тошкент ва Москвада шахсий кўргазмалари бўлиб ўтди. Бу кўргазмалар ҳайкалтарош ижодининг изчил ривожланишида эканини намоён этди. Азамат Ҳотамовнинг илк ижоди Европа мумтоз санъати

бўлган, Сурхондарёда биринчи қатори трактор ҳайдаган захматкаш инсон тимсоли гавдалантирилган. Менимча, бу жуда муҳим ҳислат. Санъаткор кўп ҳолларда бўлгуси қаҳрамонлари портретларини дастлаб графикада ишлайди. Ана шундай асарларидан бири "Дегрез Абдусалом Абдураимов портрети"дир. Саксонни қора-лаган, аммо оташқалб, ўткир нигоҳли бу қариянинг ҳайкалдаги образи кишини ҳаяжонга солади. "Замондошларимиз" туркуми санъаткорнинг одамлар ҳаётини синчковлик билан ўрганишини, теран ҳис қилишини кўрсатиб турибди. Бу асарлардаги персонажларнинг ички дунёси ранг-баранг ечимлар орқали ўз ифодасини топган. Азамат қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларидан атайин, сунъий равишда гўзаллик изламайди. Улардаги гўзаллик эҳтирос тимсолида намоён бўлади. "Усто Ҳошим Тошев" портрети шу жиҳатдан эътиборга сазовор. Азамат Ҳотамов ўз ижодини замондошлари портретларини реалистик услубда қизишдан бошлаган бўлса, 80-йиллар охирида кўпроқ авангард йўнали-

аёллар мавзусига мурожаат қилади. Ҳатто Амударёни ҳам аёл танаси тимсолида қўриб, шаклий изланишларга берилади. Азамат Ҳотамовдаги бу шаклий изланишлар таҳайюл-фарозлар маҳсули эмас, балки ҳаётдаги аниқ манбаларга мурожаат қилиши самарасидир. Санъаткор ҳар бир тимсолдаги муҳим нуқталар ва қизиқларни ажратиб олади, уларда пластик ифодадорлик кўради, табиий унсурларга сайқал бериш орқали бадий оламни яратди. Азамат ҳар гал Сурхондарёга келганида, онасининг суратини қизиш-ни канда қилмайди. Чунки отаси ёш бола пайтидаёқ вафот этган, онаси фарзандларига умрини бахшида қилиб, уларни воёга етказган. Шу сабабми, унинг ижодида Она образи, умуми, хотин-қизлар мавзуси етакчи ўринни эгаллайди. Бу образлар хоҳ график суратларда бўлсин, хоҳ ҳайкалтарошликда, Азамат учун, энг аввало, пластика, майинлик ва назокат тимсолларидир.

Рангтаъсир унинг ҳаётига кечроқ кириб келди. Ҳамюрти, машҳур рассом Рўзи Чориевнинг Сурхонга бағишланган

шида асарлар яратди. 90-йилларнинг охирига келиб бу изланиш яна ҳам теранлашди. График расмларда топилган пластик воситаларни ҳайкалтарошликка қўчириш, шартли унсурларни қўллаб, уларга сайқал бериш ижодкорда оламни ўзига ҳам кўришининг янги имкониятларини вужудга келтирди. Хусусан, "Амударё", "Аёл қомати", "Марям", "Оналик" асарларида биз аниқ қиёфаларни эмас, балки қоматлардаги ўйноқ, нафис, кўнглида ёқимли таасирот уйғотувчи қизиқларни, мафтункор шакллари кўраимиз. Ҳайкалтарош бунинг учун кўпроқ

асарлари Азаматни ҳамиша ҳайратга солган. Шу боис унинг айрим ишларидан нусха ҳам қўчириб кўрган. Шундан сўнг, рангтаъсирда ҳам ишлаб кўриш ҳаваси пайдо бўлди. Кўпроқ, аёллар, мевалар, болалар образини рангтаъсирда ишлагиси келади. Уларда ранг, жилвалар кўп, дейди.

Бир кун талабалардан бири "Нима учун ҳайкал ясалди?" деб сўраб қолди. (Ҳайкалтарош Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида мутахассислиги бўйича дарс беради.) Аввалига бу саволни тушунмади.

эмас. Табиат қўйнига чиқиб, табиати, манзаралару одамларнинг расмини ҳам чиза олиш керак. Уларнинг энг эътиборга сазовор томонларини англаб, илғай олиш зарур.

Йиллаб изланишлар, захмат

Рассом ва замон

чекишлар эвазига янги асарлар пайдо бўлади. Азаматнинг бир асари бор. "Муз устида рақс" деб аталади. Унда пластикани, майинлиқни, уйғунлиқни, гўзаллиқни ифода этишга интилган. Биласиз, муз устида рақс ту-

ана шу ортиқча нарсаларни олиб ташлаш учун йиллаб ўқиниш, ўрганишни, изланиш керак бўлади. Азамат бу мисолни талабаларига ҳамиша эслатиб келади. У мукамал пластикани, уйғунлиқни кўпроқ отларда кўради. Шу боис улардаги тимсолларни тасвирий санъатга қўчиради.

Азаматнинг ижоди Мустақиллик даврида янада гуркиради, десак янглишмаймиз. Шу боис пойтахтимизнинг энг муҳташам кўргазма залларида, хусусан Бакий академиянинг Марказий кўргазма залида, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида кўлаб шахсий кўргазмалар очди, "Йилнинг энг яхши рассоми" деган шарафли номга, танловларда Гран-прига сазовор бўлди. Бундай эътибор қучи қуч, гайратига гайрат қўйди.

Яратган асарларини мунтазам таҳлил қилиб турмаса, кўнгли жойига тушмайди. Ҳайкалтарошлик унинг ҳаёт-мамоти эканини болалари, турмуш ўртоғи Майрам яхши тушунишди. Ҳайкалтарошликда сингди-ролмаган фикру ўйларини рангтаъсирда ифода этади. Ёши улуг инсонларда ҳикмат кўп бўлади, шунинг учун улар тимсоллари устида тинмай изланади. Достонларда мадҳ этилган Алпомиш тимсоли ҳам Азаматнинг кўнглида маънан ва жисмонан бир инсон сифатида гавдаланган эди. Кейин уни лойда пиши-тиб, материалга қўчириди. Маҳобатли ҳайкалтарошликда ҳам бир-икки ишлар қилган. Аммо кўпи ҳали эскиз ҳолда, уларни бронза ёки тошга қўчириб, шаҳарлар ҳиёбонларида кўргиси келади.

Азамат Ҳотамов санъатда ўзимни қай даражада топдим, деган саволни ўзига тез-тез бериб туради. Унга жавоб топиш осон эмас. Аммо шунин билан, тимсимиз изланишлар, ҳаётни англашга уриниш самарасиз кетмайди.

Нодир НОРМАТОВ

УСТОЗ ҲОФИЗ НАВОЛАРИ

Дилрабо қўшиқларнинг дунёга келиши санъаткорнинг иқтидорига, сўз ва соз, оҳанг танлай билиши, уларни уйғунлаштири олишига боғлиқ. Шундай уйғунликда янграган навогина тингловчи кўнглига йўл топади. Ўзбекистон халқ артисти, бетақдор овоз соҳиби Комилжон Отаниёзов ана шундай бахтга тўла маънода сазовор ҳофиз эди.

Билимли, маънавиятли, маданиятли санъаткорларни қадрлаган ҳофиз қўшиқчилигимиз, маком тарихидаги барқарор аъёнчаларга, сингаш таърибаларга қатъий амал қилди. У қўйлаган қўшиқларда сўзни создан ёки созни овоздан айри тасаввур қилиш мушкул. Халқ қўшиқлари, достонлари, Хоразм сувораси ва макомларини маромига етказиб ижро этган Комилжон Отаниёзов устоз сифатида кўлаб шоғирдлар етиштирди. Хоразм театридаги ижодий фаолияти давомида

Кўрик-танлов

ўнлаб образлар яратди. Халқ озаки ижоди, хусусан, достонларга бахшиёна қуй бағишлаб ижро этиш ҳам ҳофиз ижодида алоҳида аҳамиятга эга. Устоз санъаткор ижроси туйғули "Саъдхон ва Ҳамро", "Хирмондали", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" каби достонларга халқ меҳри янада ошди.

Хоразм вилояти Шовот туманида янги ташкил этилган Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказида ҳофиз хотирасига бағишланган республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ўтган мазкур танловда худудий танловларда ғолибликни қўлга киритган қирққа яқин хонанда қатнашди.

— Комилжон Отаниёзов, шубҳасиз, ўзбек миллий мумтоз қўшиқчилиқ санъатида ўзига хос ижрочилиқ мактабини яратган улуг санъаткор, — дейди Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори А.Ҳайдаров. — Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ҳам устоз ҳофиз яратган бебаҳо ижодий услубни ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, унинг бой маданий меросига эҳтиром кўрсатиш, устоз санъаткорнинг баланд пардаларда қўйлаган Сегоҳ, Дугоҳ, Феруз, Сувораси ҳамда бошқа ашула ва қўшиқларини ижро эта оладиган ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, миллий ва мумтоз санъатимизни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, иқтидорли ҳаваскор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг катта саҳналарда ҳам ўз овоз имкониятларини намоён этишларига ёрдам кўрсатишдан иборат.

Танлов якунида ҳакамлар ҳайъати қарорига биноан Хоразм вилоятидан Акмал Курбонов ва Анвар Бежоновга биринчи ўрин берилди. Навоийлик Шерзод Аслонов, хоразмлик Набижон Худойбергенов ва Шарофжон Матчоновга иккинчи ўрин насиб қилди. Учинчи ўринга Ферузбек Норматов (Тошкент шаҳри), Далер Саидов (Самарқанд), Артур Озодов (Хоразм) лойиқ топилди. Фаол иштирокчиларга Комилжон Отаниёзов қўшиқлари жамланган диск, шеърли ва бадий китоблар ҳамда фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Аббор МЕЛИБОЕВ

Санъат ва маданият институти "музыкали, драматик театр ва кино санъати" кафедраси профессори Гулшан Мухамедова салкам ярим асрдан бери ўзбек, рус, қорақалпоқ, туркман ва қозоқ курсларида талабаларга актёрлик маҳорати ва режиссурадан сабоқ бериб келади. Иш фаолиятини ассистент-ўқитувчиликдан бошлаган Гулшан опа изланувчанлиги, жонқуярлиги, касбини севгани туйғули соҳасининг энг тажрибали, фахрий педагогларидан бирига айланди, профессорлик мартабасига эришди. Устоз бугунга қадар йигирмата курс, уч юздан ортиқ актёрлар тайёрлаб билан бирга, эллика яқин диплом спектакллари саҳналаштирган. У таълим берган шоғирдлар юртимиз ва бошқа қардош республикаларда қизгин ижод билан банд.

Г.Мухамедова сабоқлар даврида талабаларга бир нарсани ҳамиша уқдириб келади. "Машҳур санъаткорларнинг энг кучли фазилати нимада, биласизларми? — дейди устоз. — Улар то маънода театр санъатининг фидойилари бўлишган, театрлар-

ни ўз тақдирлари, деб билишган. Саҳнани табаррук билиб, театрга муқаддас даргоҳга келгандек келиб кетишган. Санъатга муҳаббати, садоқати туйғули буюк санъаткорлар ҳаттоки Иккинчи жаҳон уруши йилларида барча машаққатларни, очарчиликни енгиб, саҳнага садоқатли бўлиб қолишган. Шунинг

ҚАДР ВА ЭҲТИРОМ

учун ҳам мустақиллик йилларида захматкаш санъаткорлар номи фахр-ифтихор билан тилга олиниб, меҳнатлари муносиб тақдирланаяпти". Гулшан опа бугунги ёш актёр ва актрисаларни касбга фидойилик, жонқуярлик руҳида тарбиялаш йўлида бор куч-ғайратини, билимини сафарбар этиб ишляпти. Ўзим ҳам беш йил давомида устоз таълимининг олдим. Кейин магистратуранинг тугатиб, шоғирд сифатида устоз билан ёнма-ён иш олиб борапман. Бу маънода театр санъатининг фидойилари бўлишган, театрлар-

ни, унинг педагогикасидаги ўзига хос нозик жиҳатларни ўрганишда давом этяпман.

Г.Мухамедованинг барча дастурлари ва диплом спектакллари қизиқарли, қутилмаган ечимларга эга бўлиб, музыкали театр моҳиятига боғлиқ янги шакллари излашга мойиллиги билан диққатни тартади. Энг муҳими,

у танлаган асарлар талабаларнинг индивидуал хусусиятларини очишга хизмат қилади. "Ким тўғри?", "Майсаранинг иши", "Паранжи сирлари", "Холисхон" музикали драмалари бунинг далилидир.

Устоз педагог 1998 йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясининг "академик хонандалик ва операга тайёрлов" кафедрасида ҳам талабаларга сабоқ бериб келади. У раҳбарлигида консерваторияда "Трубадур ва унинг дўстлари", "Қани, тангани ташла-чи", "Фигаронинг тўйи", "Евгений Онегин" каби

опералар қизиқарли, юқори профессионал савияда саҳналаштирилди. Гулшан опа фақат режиссёр сифатида иш олиб бормай,

Устозлар ибрати

талабаларга қўшиқ ижроси жараёнида рол устида ишлаш маъносини ўзлаштиришда ҳам ёрдам берди.

Гулшан Мухамедова бир неча йиллик таърибаси, амалий ишлари натижаси, билими ва устозларидан олган сабоқларига суяниб мақолалар ёзмақда, турли тадбирларда маърузалари билан қатнашмоқда. Шунингдек, бир қанча асарларни таржима қилиб, сценарийлар ҳам ёзган. Унинг "Муслиқали театр актёрларини тарбиялаш асослари", "Қуйловчи актёрнинг шаклланиши", "Хонанданинг актёрлик маҳорати" каби қўлланмалари ҳар томонлама пишиқ-пухта, амалий машқлардан мисоллар келтирган ҳолда содда ва тушунарли ёзилгани билан ажралиб туради.

Санъат оламида яхши режис-

сёр, ундан-да яхши актёрлар кўп. Бироқ актёрлик маҳоратидан сабоқ беришчи педагоглар бармоқ билан санарли. Зеро, актёрлик маҳоратидан дарс бериш ҳамма урдасидан қичиб кетаверадиган касб эмас. Айниқса, музикали театр педагогларидан жуда кўп хислатларга эга бўлиш талаб этилади. Улар фақат педагог эмас, ташкилотчи, бошқаларни ўз ортидан эргаштири оладиган шахс ва режиссёр ҳам бўлишлари керак. Қуруқ услуб билан талабага ҳеч нарсаси бериб бўлмайди. Ҳар бир педагог услубини, аввало, ўзига сингдириши, қолавераси, талабага сингдириш йўллари излаб топиши лозим. Бизнинг Гулшан опа шундай серқирра, ҳар бир талаба қалбига йўл топа оладиган моҳир педагог устоздир. Қутлуг ёшида ҳам изланишдан чарчамай, талабаларга сабоқ беришда давом этаётган устозга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Рашид УСНОВ, Санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси

ҲАММА ГАП ТИНГЛОВЧИДА

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 2015 йил, 24-сон

Эстрада санъатида ихло-манд мухлисларнинг салмоқли қисмини бугун ёшлар ташкил этиши сир эмас. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган "Миллий эстрада ва ёшлар маънавияти" сарлавҳали давра суҳбатига айнан шу нуқтага назардан эътибор қаратар эканмиз, нафақат мусиқа санъати, балки миллий маданиятимизга дахлдор долзарб масалаларга жавоб топишимиз мумкин. Унда миллий эстрадаимизнинг бугунги қиёфаси, юзага келатган муаммоларга ечим топиш борасида муҳим фикрлар билдирилган. Соҳа мутахассислари таъкидлаганидек, биринчи галда тингловчининг диди ва савиясини юксалтириш керак. Агар тингловчининг диди ўткир бўлса, у мусиқаси ҳам, матни ҳам мукамал яратилган куй-қўшиқларни тинглайди. Ва бу

жараёнда савиясиз қўшиқларнинг оммалашуви табиий равишда тўхтайд.

Давра суҳбати иштирокчиси, таникли композитор Ойдин

Акс садо

Абдуллаеванинг мактаблардаги мусиқа дарсларининг сифати жиддий эътибор бериш борасидаги таклифини маъқуллаган ҳолда, коллеж, лицей ва олий ўқув юртилари таълим дастурларига ҳам мусиқа санъати эстетикаси бўйича дарслик киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бу амалиёт дунё таълим тизимида ҳам кенг қўлланмоқда.

Яна бир масала: "Наво" музикалий-кўнглилар телеканали фаолият юритиши энди бошлаганида, кўпчиликнинг ҳаёлидан "Мана энди эстрада

қўшиқларида бамаънилик бўлади, енгил-елпи клиплар кўрсатилмайди, фақат савияли куй-қўшиқлар экран юзини қўради", деган ўй-хаёллар ўтганди. Айтиш мумкинки, бунга маълум даражада эришилди ҳам. Ушбу телеканал орқали янграётган куй-қўшиқлар, дастурлар кўпчиликлари манзур бўлди. Бироқ кўп ўтмай янги — "МУ5" музикалий-кўнглилар телеканали ўз фаолиятини бошқуллаган ҳолда, коллеж, лицей ва олий ўқув юртилари таълим дастурларига ҳам мусиқа санъати эстетикаси бўйича дарслик киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Бу амалиёт дунё таълим тизимида ҳам кенг қўлланмоқда.

Яна бир масала: "Наво" музикалий-кўнглилар телеканали фаолият юритиши энди бошлаганида, кўпчиликнинг ҳаёлидан "Мана энди эстрада

профессионал бастакор куй басталаса ва уни маҳоратли хонанда қўшиқ қилиб айтса, уни тинглаш "қолоқлик", "модадан ортда қолиш" бўладими? Шу йўл билан ижодкорларнинг шарафли меҳнатини баҳолаш мумкинми? Дунё тинглашга деб, ярашса-ярашмаса хорижлик ижодкорларга тақдир қилиш, зўравонлик, беҳаёлик гоёлари очик-равшан кўриниб турган клиплар ишлаш ва уларни тарғиб қилиш аслида ҳақиқий қолоқлик эмасми!

Дона ҳалқимизнинг ўзига хос қадриятлари асрлар ўтибдики, ҳамон яшаб келмоқда. Бунга бирор-бир муаммони ёши улуг, кўпни кўрган, тажрибали инсонлар кенгашида ҳал этиш аънасини мисол қилиш мумкин. Шу маънода газета саҳифасида эстрада санъатидаги долзарб муаммоларга бағишланган мақолалар яна давом этса мақсадга мувофиқ бўлади.

Сарвар РАҲИМОВ

СИРДАРЁ ОҲАНГЛАРИ

асарлари самимияти, аъёнчаларга садоқати билан ажралиб туради.

Яқинда пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвонсаролида очилган Севаранинг "Ижодий парвоз" номли илк кўргазмаси ёш ижодкор учун катта воқеага айланди. Экспозициядан ўрин олган турли мавзулардаги асарлар фомошабинларга завқ-шавқ бағишлади. Айниқса, сўлим қишлоқ кўчалари акс этган манзаралар, анвойи гуллар ва сархил мевалардан тузилган натюрмортлар кўпчиликлари манзур бўлди. Изланувчан ёш мусаввирларнинг бугунги ютуғиди, шубҳасиз, устозлари Мухаммадиёр Тошмуродов, Журъат Раҳмонов ва Акмал Икромжоновнинг хизмати катта.

Дилноза ЗОКИРОВА, талаба

ТАСАВВУР ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Ҳумо куши қадим замонлардан буён Шарқ халқлари орасида эзгулик ҳимоячиси, бахт ва иқбол элчиси сифатида эъзоз этиб келинади. Ушбу мўъжизавий куш кўпгина афсона ва эртаклар қаҳрамони экани ҳам эътиборга молик. Кўҳна ёдгорликларда у шер панжали бургут, қушлар ҳукмдори тимсолида тасвирланса, халқ достонларида оққуш кўринишидаги гўзал малика, эзгуларвар Семург қиёфасида гавдаланади. Таниқли ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби Дамир Рўзиевнинг "Ҳумо куши" номли ҳайкалига назар соларканмиз, асрлар давомида шаклланган ана шу тасаввурларнинг бетакрор тажассумини кўрамиз.

Ижодкор мўъжизавий куш сиймосини яратиш жараёнида бизга маълум бўлган бирорта ҳам образга мурожаат қилмайди. Аксинча, мавжуд барча талқинларни жамлаб, тасаввур оламида қайта англайди. Зеро, Ҳумо куши ўз номи билан афсонавий мавжудот. Унинг қиёфасини ҳар

бир ижодкор ўзига хос тасвирлайди. Жумладан, Д.Рўзиевнинг нигоҳида Ҳумо куши гўзаллик ва нафосатга йўрилган эзгулик рамзи сифатида акс этади. Қушнинг сиймоси оқ мармарда шу қадар нафислик билан ифодаланганки, қаршингизда жонсиз санъат асари турганига ишонгингиз келмайди. У гўё самога парвоз этиш учун қанотларини ёйишга шайланаётган. Бошидаги нафис тож эса унинг қушлар маликаси эканидан дарак беради.

Теран тафаккур маҳсули бўлган ижод намунаси янада чуқур эътибор қаратсангиз, унда халқимизнинг буюқ тарихи, миллий қадрият ва аъналаридан сўз очувчи тасвирларни кўрасиз. Ҳумо куши бой ўтмишимиз ҳамда бугунги истиқлолимиз рамзи бўлган саккиз қиррали юлдузга таянган. Ушбу тасвир қушнинг қанотида тортиб бутун вужудига кўчади ва асарнинг бадиий ифодавийлигини ошириш баробарида ғоявий асоси-

ни ҳам бойитади.

Ҳайкалнинг яна бир ўзига хос хати шундаки, уни томоша қилиш жараёнида олинанидан тасвирий таассурот доираси жуда кенг. Яъни санъат ихлосмандлари бир вақтнинг ўзида ҳайкалнинг тўрт ўлчамдаги кўринишига баҳо бериш имконига эга.

Табиийки, бундай тасвирий ечим асарнинг ифодавийлиги ва таъсирчанлигини оширган. Мана энди тасаввур қилиб кўринг, мусаввир бир-бирдан фарқ қилувчи тўртта тасвирий ифодани битта ҳайкалда қандай уйғунлаштирган? Бу жумбоқнинг ечимини топиш учун узоқ мулоҳаза юритишимиз мумкин. Бироқ энг тўғри жавоб шу: барчаси ижодкорнинг бой тасаввур олами, юксак маҳорати ва истеъдоди маҳсули. Буни ҳис этиш учун "Ҳумо куши" ҳайкалига бир бора назар солишнинг ўзи кифоя...

А.ИМОМОВ



Гул кўп, чаман кўп ЖАҲОН АДАБИЁТИ АНГИЛИКЛАРИ

"Эсимдадир ажиб дам ҳали..."

Архангелск адабиёт музейи ходими тўрт йил мобайнида бутун дунё бўйлаб фойдаланиш, ташаббускор кишиларни ахтариб, Александр Пушкиннинг машҳур шеърини жаҳондаги 120 ноёб тилга таржима қилдириш учун жон куйдирди. Эндиларда нафақат анча ёшга бориб қолган занжирлар, ҳатто саам, майя ва ҳинду қабилалари, урду ва пушту тилида сўзловчилар ҳам Пушкиннинг соҳибжамол Анна Кернга бағишланган:

Эсимдадир ажиб дам ҳали:
Кўз олдимда бўлдинг намоян,
Пок гўзаллик даҳоси қаби,
Бир лаҳзалик ҳаёл, тушсимон, —
деб бошланувчи шеърини ўз она тилида ўқий оладиган бўлишди. Бунинг учун 77 ёшли музей тузувчиси Борис Егоровга икки мингдан зиёд таржимон ва дунёдаги шу тилларда сўзловчи кишилар билан ёзишма олиб бориш учун тўрт йил вақт зарур бўлди. Ушбу ноёб китобни нашр этишга ҳам уни рафиқаси Людмилага бўлган муҳаббати илҳомланган.

— Менга адабий марказлардан узоқда яшаб, бу ишни удалаш қийин, деганлар кўп бўлди, — дейди Б.Егоров. — Бироқ нияти холислигига ишонган одам уни ҳаётга тадбиқ этиши мумкин экан. Менга интернет орқали муносабат ўрнатган кўплаб кишилар, элчихоналарнинг оддий ходимлари астойдил ёрдам беришди. Саам тили бўйича атиги биттагина таржимон бўлиб, у ҳам қариб қолган экан, лекин интернетдан йўллаган илтимосини ерда қолдирмади. Кўплаб таниқли шоир, адибу таржимонлардан ҳам миннатдорман.

Китобнинг илк наشري бор-йўғи 400 нуска, бироқ Чукоткадан тортиб, Кавкази Мексика, Индонезия ва дунёнинг бошқа бурчакларидан унга буюртмалар кўп. Пушкиннинг ушбу шеъри Ўзбекистон халқ шоири Зулфия томонидан ўзбек тилига ўғирилган.

Милош Чеслав ва поляк шеърляти

Машҳур поляк шоири Милош Чеслав (1911-2004) таваллуд санасига 105 йил тўлди. Асарлари йигирмага яқин жаҳон тилларига таржима қилинган адиб Литванинг Шетени шаҳрида туғилган. Вилно шаҳридаги Стефан Батория университети ҳуқуқшунослик бўлимининг битирган, илк шеърлари босилади. 1933-1936 йилларда чоп этилган "Улик вақт ҳақида дoston" ҳамда "Уч қиш" номли илк шеърый тўпламлари катта эътирофга сазовор бўлади. Фашистлар Варшавага бостириб кирган вақтда университет кутубхонасида қоровуллик қилади ва яширин ҳолда давом этаётган маданий ҳаётда фаол иштирок этади. 1945 йили чоп этилган "Нажот йўли" тўпламига шоирнинг урушга қадар ҳамда оккупация даврида ёзилган шеърлари жамланган. У поляк шеърятининг XX асрдаги энг муҳим намуналаридан бири сифатида довуқ қозонган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Милош Чеслав Вашингтон, Нью-Йорк, Париждаги дипломатик ваколатхоналарда масъул вазифаларда ишлайди. Унинг, айниқса, "Ахлоқий трактат", "Назмий трактат", "Илоҳийётга оид трактат" каби асарларида романтик мотивлар ва интеллектуал қатъият, фавқулодда кино ва уйғунлик, ўнлаб лаҳжалардаги халқона ҳикматлар бамисоли орган сadoларидидаги бетакрор оҳанглар каби ўз ифодасини топанлиги эътироф этилган. Шоир 1980 йили адабиёт соҳасида Нобел мукофотида сазовор бўлган. Умрининг охириги йилларида "Бу", "Иккинчи кенглик", "Орфей ва Эвридика" каби шеърый китоблари чоп этилган Милош Чеслав 2004 йили Краков шаҳрида тўқсон уч ёшда вафот этди.

Элис Манронинг янги новеллалари

Нобел мукофоти лауреати, канадалик адиба Элис Манронинг "Қачондан буён... сенга айтмоқчи эдим" деб номланган Новеллалар китоби кўп минг нусхада босилиб чиқди. Адиба асарларини мутолаа қилаётган кўплаб китобхоналар унга аёл тимсолидаги Антон Чехов сифатида баҳо бермоқдалар. Китоб сўзбошида "Новеллалар содда тил, романтик услубда, ўқувчида завқ уйғотадиган қилиб ёзилган. Уларни ўқиганда марваридгул ва мойче-чакларни ҳидлаб, гулдор пиллаларда чой ичгингиз келади, ўзингизни диди нозик ва ақлли ҳис эта бошлайсиз", деб ёзилган.

Капоте билан бирга

Машҳур "Тиффаникидаги нонушта" бестселлер асари билан довуқ қозонган Трумен Капоте XX асрнинг буюқ адибларидан ҳисобланади. Бир йил муқаддам Нью-Йорк кутубхоналаридан бири архивдан адабнинг шу чоқда кенг тарқалмаган ва илгари номгаълум бўлган айрим қисқа ҳикоялари топишган эди. Ҳақиқатда мазкур ҳикоялардан иборат катта тўплам "Эрам боғига олиб борувчи йўл" номи билан жаҳоннинг кўплаб тилларида чоп этилди. Адабиётшунослар уларнинг ҳар бирига "дурдона асар" сифатида баҳо беришмоқда. Файритабиий фантазмагорик воқеаларни ғоятда қисқа ҳикояларда акс эттирган моҳир адиб "бундай адабий шаклга менинг ихлошим жуда баланд", деб ёзган.

Журналларни варақлаганда

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2015 йил, май ойи сонини



Журналнинг навбатдаги сониди Аргентина адабиёти намуналаридан баҳраманд бўласиз. Океан ортидаги бу мамлакат адабиёти жаҳон маданиятида эътиборли мавқега эга. Чунончи, Хулио Кортасар ижоди кўп йиллардан бери ўзбек китобхоналарини қизиқтириб келади. "Хикоя ҳақида хикоя" руҳида Х.Кортасарнинг О.Отахон таржимасида "Беморларнинг саломатлиги" ҳикоясини ҳамда таржимоннинг адиб ижоди ҳақидаги "Сарҳадлар" мақоласини ўқийсиз. Шунингдек, Э.Карриго, Л.Лугонес, Э.Банчс сингари Аргентина шеърляти намояндалари ижодидан намуналар Я.Тоға, В.Файзуллох, Д.Абдурахмон таржималарида тақдим этилган. "Глобус" руҳида эса Аргентина маданияти ва санъатида ўчмас из қолдирган таниқли шахслар ҳақида бир неча мақолалар босилган.

Таниқли норвег ёзувчиси Йостейн Гордернинг "Апелсин қиз" (Комила Носирова таржимаси) ва Гафур Пулатовнинг "Херируд фарёди" номли қиссалари муштарийлар томонидан алоҳида қизиқиб қилиниши тайин. "Шеърят минтақалари"да бу гал атоқли туркман шоирлари Керим Гурбоннафосов, Гурбонназар Эзизов лирикасида баҳраманд бўласиз. Шеърляри аслиятдан Курбон Муҳаммадризо ва Очил Тохир ўзбекчалаштирган.

Адабиётшунос Муҳаммадхон Холбековнинг "Модернизм" мақоласи бу адабий оқим ҳақида батафсил маълумот берса, мазкур оқим намояндаси Виржиния Вульфнинг "Шоҳона боғ" ҳикоясини (Эшқобил Вали таржимаси) ўқиб модернизмга хос айрича ҳусусиятларни кузатасиз. Шунингдек, А.Улуғовнинг "Адабий қаҳрамон қадри", М.Умаровнинг "Воқеалар тизими томошанинг асосидир" ҳамда Ш.Миноваровнинг "Норага қалб изтироблари" мақолалари бадииятда қаҳрамон масаласи, драматик асарда воқеалар тизими ҳамда таржима масалалари тадқиқига бағишланган. "Фарҳод ва Ширин" достонининг рус тилига таржимаси ва Б.Нушичнинг "Унвон керакдир йигитга" комедиясининг давомини ҳам журналнинг ушбу сониди ўқийсиз.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди уюшма буюртмаси асосида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган адиблар, шунингдек бугунги таниқли шоирлар ва ёш ижодкорлар-

нинг ижод намуналаридан ташкил топган "Ўғлим, сира бўлмайди уруш" номли шеърлар ва мақолалар тўпламини нашр этиш бўйича босмахоналар ўртасида танлов эълон қилади.

КИТОБНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

Китоб бичими 84x108/32, муқова — рангли қаттиқ муқова, Форзац — рангли, Матн ранги — оқ-қора, Матн қоғози — офсет қоғозда. Бичимдаги ҳажми — шартли 11 босма табоқ. Тираж 1000 дон, китобда расмлар ишлатилмайди.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИДАГИ ҲУҶЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ШАРТ:

- Босмахона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома) нусхаси;
- Картотека қарздорлиги тўғрисидаги маълумотнома;
- Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари;
- Танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳар,
Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16 А-уй.

Телефонлар: 239-27-84, 239-27-88
Факс: 245-66-95, 245-87-12

«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»



Носируддин Бурхонуддин Рабғузийнинг икки китобдан иборат «Қисаси Рабғузий» асарининг биринчи китоби «Шарқ» нашриётида чоп этилди. Халқ орасида «Авлиёлар қиссаси» номи билан машҳур бўлган бу асарнинг энг қадимий қўлёзма нусхаси XV асрда кўчирилган бўлиб, Британия музейида сақланиб келинмоқда. Китобнинг янги наشري шу қўлёзма нусханинг факсимилеси асосида тайёрланган. Раъно Зарипова ва Нодира Саъдуллаева томонидан ҳозирги ўзбек тилига таъдбир қилинган.

Китобдан профессор Э.Фозиловнинг ҳамда асарни нашрга тайёрлаган Р.Зарипова, Н.Саъдуллаева-нинг мухтасар сўзбошилари ҳам ўрин олган. Сўзбоши муаллифлари асарнинг ёзилиши, тили, ўзига хос жиҳатлари ҳамда асар муаллифи ҳақида маълумот беришган.

Уларнинг қайд этишича, ушбу ёзма ёдгорлик «Хоразмда Работўғиз деган жойнинг қозиси Бурхонуддин ўғли Носируддин томонидан эътиборли беклардан ҳисобланган Носируддин Тўқбўғанинг илтимосига кўра хижрий 709 (милодий 1309-1310) йилда ёзилган».

Рамазон тўғфалари

Профессор Э.Фозилов муаллифнинг мақсади ҳақида маълумот бериб, қуйидаги иқтибосни келтиради: «Мунда мақсуд пайғамбарлар қиссаси эрди. Ва лекин Одамдин (Одам Ато) бурунроқ яратилган бор учун андин бошласамиз фойдаси ортуқроқ бўлмай деб тартиб уза яратилгонлардин оғоз қилдимиз (оғоз қилдимиз — бошладик, киришдик). Эртақлига ўнғай, истаклига тебрай бўлсун деб «Қисаси ар-Рабғузий» деб от бердимиз».

Дарҳақиқат, ёзма ёдгорликда Одам Ато ва Момо Ҳаводан тортиб, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) гача яшаб ўтган пайғамбарлар ҳаёти, эзгу амаллари ибратли ривоятлар, ҳикматлар орқали ифода этилган.

Асар ҳамд, наът, муқаддима, қиссалар, лирик кечинмалар ва хотиралардан иборат. Қиссалар асосан насрда, мадҳиялар, баъзи бир қиссаларнинг хулосалари, лирик кечинмалар ва китоб хотимаси назмда ёзилган. Асар ғоясида инсонларни бир-бирларига жабр-зулм қилмай, ноҳақ қон тўқмай, пок ахлоқ ила ҳирсу ҳасадни, қонхўрлик ва баднафсликни енгиб яшашга чақирув ётади.

Шарқ донишмандлиги билан йўғрилган пайғамбарлар ҳаётидан хикоя қилувчи бу асар кўнгилларга фараҳ ва зиё олиб киради.

Ўзбек адабиётининг етук сиймоларидан бири Чўлпон ижоди аср синовидан ўтиб келган маънавият хазинасидир. Адибнинг прозаси,

ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАРИ ТАТАР ТИЛИДА

шеърляти нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам севиб ўқилади. Чўлпон асарлари бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб тилларида таржима қилинмоқда. Яқинда Қозонда "Татаристон китоб нашриёти" томонидан нашр этилган "Ўйна

чоқларда", "Мен ва бошқалар", "Яна олдим созимни", "Маҳмуд-хўжа Бехбудий хотираси", "Халқ" сингари шеърлари шулар жумласидандир. Улар шоирнинг ҳаёлот олами, нафис туйғуларни изҳорига эмас, балки Ватан озоғлиги, миллат тараққиёти учун чеккан дардлари ифодаси ҳамдир. Шеърларни ўзбек тилидан



Янги нашрлар

татар тилига Татаристон халқ шоири Рафиф Гаташ таржима қилган. Таржимоннинг "Янги давр ўзбек шеърлятининг Чўлпони" номли сўзбошиси ҳам китобдан ўрин олган. Сўзбоши муаллифи Чўлпон ижодида юксак баҳо бериб, унинг оғир ва таҳликали кечган ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Бунда, албатта, шоир замондошлари, сафдошларининг хотираларига таянади.

Қардош татар халқи тилида жаранлаган Чўлпон шеърлари икки халқ ўртасидаги дўстлик кўприклари янада мустаҳкамлаши тайин.

эртақларнинг сирли оламига қайтгандай бўласиз. Одам боласи улғайгани билан, гарчи болаликни тарқ этсада, лекин болалик ундан кетмайди. Турли тимсол ва соғинчларда ўзини кўрсатаверади.

Гул экаман тувакка
Нихолим буй чўзсин деб.
Дилдан яхши кўраман,
Сув қуяман, ўссин деб.

Ҳажжи қизчаларнинг катта тешалар билан ер қазиб гул экатганини ёки ўзидан катта пақирни торқилаб, қийимини хўл қилса-да, гулга сув беришга интилаётганига неча бор гувоҳ бўлгансиз. Бола қалби — мўъжиза. Шу мурғак қалбини



Муҳлиса
ТҮЙЧИБОВА

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиддин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилабмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РҲЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.26

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адаби — 4291 Буюртма S — 3332. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

